

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Уз-Корам Ко Бош директори

Мамадалиев А.

2022 й.



«Корхона томонидан тақдим этилган технологик қолиплар ёрдамида, хом-ашё давал асосида пластмасса деталь №95076735 ишлаб чиқариш хизматини амалга ошириш бўйича»

### ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: «Уз-Корам Ко» МЧЖ

Андижон ш. - 2022 й.

## **Мундарижа**

- I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.**
- II. Малакавий ҳужжатлар рўйхати.**
- III. Иштирокчилар ва танлов таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари.**
- IV. Танланган таклифнинг нарх қисмини баҳолаш.**

- 1 Умумий қоидалар.**
- 1.1 Мазкур танлов хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
  - 1.2 Танлов предмети: **«Корхона томонидан тақдим этилган технологик қолип ёрдамида, хом-ашё давал асосида пластмасса деталь ишлаб чиқариш хизматини амалга ошириш бўйича»**
  - 1.3 **Танловнинг максимал қиймати 366 279 600,00 ҚҚС билан сўмни ташкил қиласди.** Танлов таклифида кўрсатилган нархлар 95076735 детали учун 3981.30 сумдан ККС билан юқори бўлмаслиги керак.
  - 1.4 Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириклар танлов хужжатларининг техник қисмида келтирилган.
  - 1.5 Танлов комиссияси йигилиши шакли – электрон шаклда Давлат маҳсус ахборот портали (<https://etender.uzex.uz/home>)
- 2 Танлов ташкилотчиси**
- 2.1 **«Уз-Корам Ко» МЧЖ**  
“Буюртмачи” манзили: Андижон шахри. Янгиайланма кўчаси-1 уй; Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахслари:  
Техник масалалар бўйича саволлар: 2-ишлаб чиқариш департаменти директори: Зулунов Азизбек +998906267000  
2-Ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Эгамбердиев Бахтиёр +(99891)488-38-22  
Харид бўйича саволлар бўйича: Харид хизмати мутахассис: Байбеков Тимур Хасанович e-mail: t.baybekov@uzkoram.uz тел.: +(99898)270-29-29
  - 2.2 Танлов Буюртмачи ташкил қилган камидан етти кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
  - 2.3 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).
- 3 Танлов 3.1 иштирокчилари**
- 4 Танловни ўтказиш шарти**
- 4.1 Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қўйидагиларни амалга ошириши лозим:
    - а)танлов шартлари билан танишиш учун маҳсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
    - б) танлов хужжатлар шартларига мувофиқ танлов хужжатларини топшириш.
  - 4.2 Куйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:
    - қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
    - Ноҳалол ижро чиларнинг ягона рўйхатига киритилган;
    - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
    - имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишида маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақмаларига эга бўлган.

- 4.3 Буюртмачи қуидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:  
Иштирокчи тұғридан тұғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирғи мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини құллашга таъсир күрсатиши мақсадида ҳар қандай шаклдаги мұкофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбақо буюм ёки хизмат күрсатишиң таклиф қылған, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;  
Иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

## 5 Танлов тили.

- 5.1 Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, хужжатлар ўзбек ва рус тилида бўлиши керак.

## 6 Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби

- 6.1 Танлов иштирокчилари, мазкур танлов хужжатларининг Малакавий хужжатлар рўйхатида кўрсатилган хужжатларни ўз ичига олган таклифларини эълонда белгиланган тартибда <https://etender.uzex.uz/home> сайтида танлов ўtkазилиши ҳақидаги эълонда кўrсатилган лот бўйича электрон шаклда тақдим қиласди.
- 6.2 Танлов иштирокчиси:  
тақдим қилинаётган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;  
тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
- 6.3 Танлов таклифи etender.uzex.uz сайтига тақдим қилинади
- 6.4 **etender.uzex.uz қуидагилар кўrсатилган бўлиши керак:**  
танлов предметининг номланиши; иштирокчининг номланиши; буюртмачининг номланиши ва унинг манзили;

## 7 Танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиши

- 7.1 Зарур ҳолларда буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиши ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.  
Танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиши ҳақида қарор таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин.  
Танлов таклифларига ўзгартишлар киритиши жараёнида Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.  
Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилганда танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида ўн кунга узайтирилади.  
Айни пайтда эълонда кўrсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танловни ўtkазиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.

## 8 Танлов таклифлари

- 8.1 Давлат Харидлари маҳсус ахборот портали <https://etender.uzex.uz/home> жойлаштирилган лотлар буйича келган таклифлар ва уларни баҳолаш мезонлари
- 8.2 Танлов комиссияси рад қилинмаган таклифлар баҳолаб, танлов

хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлайди.

- 8.3 Танлов иштирокчиси тақдим қилган хужжатлардаги маълумотларнинг соҳталиги аниқланса, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
- 8.4 Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов хужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади (**2-ИЛОВА**).
- 8.5 Таклиф Қонун, қарор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
- 8.6 Танлов комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов хужжатлари талаблариаг мос бўлмаса, таклифни рад этади.
- 8.7 Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли.
- 8.8 Танлов хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 8.9 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
- 8.10 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни <https://etender.uzex.uz/home> сайтида комиссия аъзоларининг электрон имзоси орқали баҳолаш натижасида автоматик шаклланади ва баённома расмийлаштирилади.

## **9 Томонлар маъсулияти ва махфийликка риоя қилиш**

- 9.1 Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гурух аъзолари маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

## **10 Бошқа шартлар**

- 10.1 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.
- 10.2 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар балансида мавжуд автотранспортлар рўйхатини тақдим қилган ҳолда иштирок этишлари ёки бўлмаган тақдирда ижарага олиб ижара шартномаси нусхаларини тақдим қилган ҳолда қатнашишлари мумкин.
- 10.3 Қуйидаги ҳолларда танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:  
танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақцирда;  
таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов хужжатлари талабларига мос эмаслиги рад этган тақцирда.
- 10.4 Ғолиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи маҳсус ахборот порталида бундай

қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.

## **11 Шартома тузилиши**

- 11.1 Танлов натижаларга кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақцим қилнаётган танлов хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.
- 11.2 Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи заҳирадаги ижрочига ўтади. Бунда заҳирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

## **II. МАЛАКАВИЙ ХУЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ**

1. Пластик қисмларни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун таъсис ва рухсат берувчи хужжатларнинг мавжудлиги. (Устав, гувоҳнома нусхасини, лицензия, сертификатлар нусхаси тақдим килиш).
2. Танлов иштирокчиси З йил давомида Автосаноат тизимидағи корхоналар билан иш тажрибасига эга бўлиши. (Автосаноат корхоналарига пластик қисмларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар нусхаси тақдим килиш)
3. Хом ашё, тайёр маҳсулотни ташиш учун ўз транспортининг мавжудлиги. (Техник паспорт, агар автотранспорт эгаси бўлмаса ижара шартномаси нусхаси тақдим килиш).
4. Ишлаб чиқариш жойлашган бино ҳақида маълумот (Кадастр хужжатлари нусхасини ёки ижара шартномалари нусхасини тақдим этиш.)
5. Танлов иштирокчиси камида 3 та малакали кадрларга ега булиши. (ходимларнинг ФИШ, эгаллаб турган лавозими, маълумоти ва иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим килиш)
6. Танлов иштирокчиси пластик қисмларни ишлаб чиқариш учун ускуналар (Термопластавтомат) ва ишлаб чиқариш куввати ҳақида маълумот. (ускунанинг паспорти, фотосуратлари. Балансида мавжуд бўлмаса ижара шартнома нусхаси).

### **III. Иштирокчилар ва танлов таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари.**

Иштирокчиларни танловда иштирок этиш учун танлаш тартиби ва мезонлари.

Малакавий баҳолаш танлов комиссияси томонидан танлов бошланишидан аввал амалга оширилади. Талаб қилинаётган маълумот иштирокчи томонидан тақдим қилинмаган бўлса танлов комиссияси уни танловда иштирок этишига рухсат бермасликка ҳақли.

#### ***Таклифларни техник баҳолаши.***

<b>№</b>	<b>Мезон</b>	<b>Баҳолаш</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Устав, гувоҳнома нусхасини, лицензия, сертификатлар нусхаси	<b>Бажарган / Бажармаган</b>	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
2	Автосаноат корхоналарига пластик кисмларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар нусхаси)	<b>Бажарган / Бажармаган</b>	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
.3	Техник паспорт, агар автотранспорт эгаси бўлмаса ижара шартномаси нусхаси тақдим килиш	<b>Бажарган / Бажармаган</b>	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
4	Кадастр хужжатлари нусхасини ёки ижара шартномалари нусхасини тақдим етиш.	<b>Бажарган / Бажармаган</b>	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
5	ходимларнинг ФИШ, эгаллаб турган лавозими, маълумоти ва иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим килиш	<b>Бажарган / Бажармаган</b>	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
6	Ускуннинг паспорти, фотосуратлари. Балансида мавжуд бўлмаса ижара шартнома нусхаси	<b>Бажарган / Бажармаган</b>	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.

#### **IV. Танланган таклифнинг нарх қисмини баҳолаш.**

Нархлаш мезонлари-танланган нархи қисми учун фақат мезон ҳужжатлар шартнома миқдори (бошланғич нархи).

<b>№</b>	<b>Мезонлар</b>	<b>Баҳолаш</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Нарх таклифининг миқдорий кўрсаткичи.	Энг паст нарх-100 балл. Енг юқори нарх – енг паст балл.	Нархлар танлов иштировчилар томонидан тақдим этилган энг кам нархга нисбатан фоизда белгиланади.

Танлов баҳолаш мезонида ўтказилганда, мижоз қўшимча равишда иштирокчилар таклифларининг техник ва нарх параметрлари нисбий миқдори кўрсаткичларини кўрсатиши керак.

Мисол: - техник малака қисмининг миқдорий кўрсаткичи - 80%  
- нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи-20%.